

Шерободда сектор раҳбари ва тадбиркорлар қабули ўтказилди.



Ушбу қабулда туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари У.Панжиев, 3-сектор раҳбари, туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Ў.Шукуров, туман Прокурори катта ёрдамчиси Ф.Ашуров, Қабулхона мудир У.Чориев ҳамда тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди. Ташкил этилган тадбиркорлар билан бўлган юзма-юз мулоқотда 63 нафар тадбиркорлар қатнашиб, улар томонидан жами 38 та мурожаат қабул қилинди. Мазкур мурожаатлар юзасидан муддат белгиланиб, ижроси назоратга олинди ҳамда 12 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилган бўлса қолган 13 та мурожаат эса ҳуқуқий тушунтиришлар бериб ўтилди.